

№ 1469

«05» 06 2024г.

«EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти кўшма корхонаси акциядорларига

«EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти кўшма корхонаси акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида ХАБАРНОМА

Хурматли акциядорлар!

«EUROASIA INSURANCE» акциядорлик жамияти кўшма корхонаси Кузатув кенгашининг қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши **2024 йил 28 июнь** куни Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Абдулла Қодирий кўчаси, 3А уй бўйича жойлашган Жамият маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади.

Умумий йиғилиш ўтказиш учун Жамият акциядорлари реестри **2024 йил 24 июнь** ҳолатига тузилади.

Кун тартиби:

1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.
2. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамият фаолиятининг 2023 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботини ва 2023 йил учун бизнес-режа параметрларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
4. Жамият томонидан 2023 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.
5. Жамият Кузатув кенгаши аъзосини ваколатларини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида.
6. Жамият Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш тўғрисида.
7. Жамият Бош директорини тайинлаш тўғрисида.
8. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш тўғрисида.
9. Жамиятнинг 2024 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташиқи аудит текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.
10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.
11. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси 3А-уйда жойлашган Жамиятнинг биносига ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

Электрон почта манзили: info@eai.uz

Бош директор **в.б.**

